

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

НОРКУЛОВА ДИЛФУЗА ЗОХИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 –Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератимундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Норкулова Дилфуза Зохитовна

Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-
иқтисодий механизмини такомиллаштириш.....5

Норкулова Дилфуза Зохитовна

Совершенствование организационно-экономического механизма
развития услуг социального туризма в Узбекистане 29

Norkulova Dilfuza Zoxitovna

Perfection of the organizational-economic mechanism of development of social
tourism services in Uzbekistan 53

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

НОРКУЛОВА ДИЛФУЗА ЗОХИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet»Ахбороттаълим порталида(www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асланова Дилбар Хасановна,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баходирхон Шахриёрович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 231-07-45; Факс:(998 66) 231-12-53; E-mail: ilm@sies.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 60-уй. Тел.:(998 66) 233-34-76; Факс:(998 66) 231-12-53; E-mail: ilm@sies.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., доцент

И.С.Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Туризм жаҳон иқтисодиётининг шиддат ва барқарорлик билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланиб, халқаро туристлар оқими ҳар йили ўртача ҳисобда 3,3 фоиз ўсиш даражасига эга бўлганда, халқаро туристлар сони 2030 йилда 1,8 млрд. кишига етиши башорат қилинмоқда¹. Социал туризм хизматлари туристик хизматларга имтиёзлар ва чегирмалар бериш, махсус дастурларни жорий қилиш, таътил чеклари ёки махсус гувоҳномалар асосида саёҳатлар ташкил этиш орқали амалга оширилмоқда. Социал туризмни ташкил этишнинг бутун дунёда қўлланилаётган механизмлари Бутунжаҳон туристик ташкилотининг «ST-EP» дастури орқали 45та мамлакатда ҳамда Социал туризм халқаро ташкилотининг «The CALYPSO» дастури орқали 130га яқин мамлакатларда кенг тарғиб қилиб келинмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидасоциал туризм хизматларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириши борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, туризм соҳасига катта эътибор қаратувчимамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда социал туризм хизматларини ташкил этиш, уни бошқариш, молиялаштириш, иқтисодиётдаги ўрни, мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ва умумий туризм бозорига таъсири, социал туризм бозорининг ривожланишига тусқинлик қилувчи омиллар, социал туризмнинг таркибига кирувчи туризм турларини ўрганиш ва тадқиқ қилишмасалаларихорижий олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган ички туризмнинг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «кекса авлод вакиллари ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, «Саховат» уйларида яшовчи яқка-ёлғиз қариялар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун юртимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга бепул саёҳатлар уюштириш»² муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифанинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун Ўзбекистонда таътил кунлари узайтирилиши, чегирмали туристик хизматлар жорий этилиши каби социал туризмни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар жорий қилинмоқда. Аммо мамлакатимизда социал туризмяхлит тизим сифатида шакллантирилмаганлиги ушбу соҳани ривожлантиришда асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

¹UNWTO. Tourism Highlights. 2017, Edition

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.- www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сонли, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли Фармонлари, 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сонли, 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сонли Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Социал туризмни халқаро даражада ташкил этиш ва бошқариш муаммолари Мендоза Кастро, Скотт Маккейб, Линн Минаэрт, Роберт Маитланд, Грэхам Миллер, Марианна Шапманс, Этиен Белангер, Ремигжус Киндерис³ каби хориж олимлари ҳамда социал туризмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўрганиш масалалари МДҲ мамлакатлари олимларидан М.Б.Биржаков, В.А.Квартальнов, И.В.Зорин, Д.В.Щусь, Д.В.Залозная, А.А.Бадин, К.Г.Яковлева, И.О.Сердобольская⁴, шунингдек социал туризмнинг таркибига кирувчи болалар ва ёшлар туризмини ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар учун туризмни ташкил этиш масалалари Е.С.Колесниченко, А.Н.Косых, Е.А.Маслакова, Е.В.Оргина, Н.В.Романова,

³MR Mendoza Castro. Opinion of the European Economic and Committee on Social tourism in Europe. Official Journal of the European Union. 23/12/2006; Scott McCabe. "The future for tourism after the crisis: does social tourism offer a route to sustainability?"; Lynn Minnaert. Social tourism and its social policy value for vulnerable families. ESPAnet 2011 Conference – Valencia; Lynn Minnaert, Robert Maitland, Graham Miller. Social tourism and its ethical foundations. *Tourism, Culture and Communication*, 7(12). - pp. 7-17, 2006; Lynn Minnaert, Marianne Schapmans. Tourism as a form of social intervention: the holiday participation centre in flanders. *Journal of Social Intervention: Theory and Practice* – 2009 – Volume 18, Issue 3. - pp. 42-61; Charles-Etienne Belanger. Accessible Tourism: Market Opportunities of Social Tourism. - Malta, 16th November 2012; Remigijus Kinderis. Adaptation of social tourism as of alternative form of tourism in Europe. *GeoJournal of Tourism and Geosites*. Year III, no. 1, vol. 5, May 2010, pag. 7-15.

⁴Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб.: Издательский Торговый дом «Герда», 2006. – 400 с.; Менеджмент туризма. Под редак. В.А.Квартального – М.: Финансы и статистика, 2004. - С. 160; Зорин И.В. Теоретические основы формирования содержания профессионального туристского образования: автореф. дисс.... док. пед. наук. – Москва, 2001; Щусь Д.В. Экономическо-институциональный механизм организации социального туризма: автореф.... кан. экон. наук. – Сочи, 2005; Залозная Д.В. Место социального туризма в гуманизации экономического роста: автореф. ... кан. экон. наук. – Владикавказ, 2007; Бадин А.А. Формы организации маркетинга на рынке социального туризма: автореф. ... кан. экон. наук. – Волгоград, 2008; Яковлева К.Г. Институциональные основы развития социального и безбарьерного туризма: автореф. ... кан. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2012; Сердобольская И.О. Государственное регулирование социального туризма и пути его совершенствование в Российской Федерации: автореф. ... кан. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2003

В.А.Козлова, В.П.Орловская, В.В.Данилкин, О.Н.Чумичёва⁵ ва бошқаларнинг ишларида баён этилган.

Ўзбекистонда туризм ва унинг ижтимоий хусусиятлари республикамиз олимларидан К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Э.Пўлатов, Н.Т.Тухлиев, Е.В.Гольшева, Ф.К.Комилова, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, О.Х.Ҳамидов, А.Н.Норчаев, М.Т.Алиева, Б.Х.Тураев, Б.Ш.Сафаров⁶ асарларида ўрганилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ёритиб берилмаган. Мазкур ҳолат ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ОТ-7Ф-130 «Туризм хизматлар бозорининг ижтимоий-иқтисодий механизмини модернизациялаш» (2007-2011 йй) ҳамда Ф-1-53 «Туристтик кластерни шакллантириш ва амал қилиш методологияси» (2012-2016 йй), «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» (2017-2021 йй) мавзуларидаги фундаментал, шунингдек

⁵Колисниченко Е.С. Развитие детского оздоровительного туризма в социально-экономической системе воспроизводства человеческого потенциала: автореф. ... кан. экон. наук. – Москва, 2009/2010; Косых А.Н. Развитие системы детского социального туризма (на примере Омской области): автореф. ... кан. экон. наук. – Москва, 2006; Маслакова Е.А. Управление развитием детского туризма в новых экономических условиях хозяйствования: автореф. ... кан. экон. наук. – Москва, 2009; Оргина Е.В. Формирование системы управления детским оздоровительным туризмом в Российской Федерации: автореф. ... кан. экон. наук. – Сочи, 2012; Романова Н.В. Социально-экономические условия развития детско-юношеского туризма в России: автореф. ... кан. экон. наук. – Москва, 2005; Козлова В.А. Стратегия позиционирования туристских фирм на молодёжном сегменте регионального рынка услуг: автореф. ... кан. экон. наук. – Орёл, 2006; Орловская В.П. Организационно-экономические условия развития молодёжного туризма в дестинации: автореф. ... кан. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2004; Данилкин В.В. Формирование системы маркетинговой оценки имиджа туристских центров на международном рынке молодёжного туризма (на примере рынков России и Германии): автореф. ... кан. экон. наук. – Орёл, 2010; Чумичёва О.Н. Управление конкурентоспособностью детского туризма в России: автореф. ... кан. экон. наук. – Москва, 2006.

⁶Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.-248с.; Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик.- Т., 2017; Тухлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: Иқтисод ва молия, 2010.-238 б.; Пўлатов М.Э. Разум становится имуществом // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар –Тошкент, 2011. - №2; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2009. – 624 с.; Гольшева Е.Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в в период финансово-экономического кризиса //Актуальные проблемы туризма. 2010. - №2 – с. 5-9.; Асланова Д.Х., Алимова М.Т.Региональный туристский кластер как инструмент повышения эффективности экономики региона // Сетевой журнал «Научный результат». Серия: «Экономический исследования». – Т.2, №1(7), 2016; Хамидов О.Х. Выбор конкретной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: диссер. ... канд. экон. наук. – С.: СамИСИ, 2006. – 155 с.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида):иқтисод. фан. номз. диссер.- ТДИУ, 2004. – 120 б.; Алиева М.Т. Туристтик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007 – 339 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.: Фан, 2009. – 154 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: Фан ва технология, 2016. - 184 бет.

ИТД-2-15 «Ўзбекистонда болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни комплекс ривожлантириш муаммолари» (2012-2014 йй) мавзусидаги амалий илмий-тадқиқотлар давлат грантлари асосидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“социал туризм” ва “социал туризм хизматлари” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан очиб бериш;

социал туризм таркибига кирувчи туризм турларининг хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали ўзига хос таснифларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

социал туризм хизматлари бозорини шакллантириш ва амал қилишининг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш асосида уни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

социал туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

социал туризм инфратузилмасини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда социал туризмни ривожлантиришнинг таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган болалар ва ёшлар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳамда санаторий ва дам олиш уйлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети социал туризм хизматларини амалга оширишдаги иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, мантикий ёндашув, иқтисодий-математик ва статистик таҳлил, социологик сўровнома усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истеъмолчиларни, молиялаштириш манбалари ва усулларини аниқ белгилаш орқали «социал туризм»нинг такомиллаштирилган ҳамда «социал туризм хизматлари»нинг таърифлари ишлаб чиқилган;

социал туризм хизматлари истеъмолчиларига имтиёз ва чегирмаларни белгилаш асосида ушбу хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф ҳажмини аниқлаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

социал туризм турларини тизимлаштириш ва молиялаштириш манбаларини белгилашга асосланган социал туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

болалар ва ёшлар оромгоҳлари, хостеллар, оилавий дам олиш марказлари, санаторийлар фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган;

ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида социал туризм хизматлар сифатини ошириш бўйича таклифларишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сайёҳлик мавсуми паст даврда ички туризмни ривожлантириш мақсадида болалар ва ёшлар туризмни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш зарурати асослаб берилган;

мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг республика бўйлаб саёҳатларини ташкил этишда такомиллаштирилган механизмни ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган;

социал туризм истеъмолчилари сонини ошириш, мамлакат ичида транспорт ва жойлаштириш воситаларининг барча турлари учун имтиёзли тарифларни ўрнатиш ва маданий ҳордиқ объектлари нархларининг ягона тарифини жорий этишни қамраб олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилингани олинган хулоса ва илмий натижаларнинг ишончлилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Социал туризмнинг умумлаштирилган таърифи ва унинг таснифи ишлаб чиқилганлиги, социал туризм хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, социал туризм хизматларни ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизми бўйича олинган илмий хулосалардан туризм бозорига оид методик-услубий аппаратни, социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, социал туризм бозорини самарали ташкил этиш, болалар ёзги оромгоҳлари, хостеллар тизимларини ташкил этиш, санаториялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари туризми ривожланиш стратегиясида ва маҳаллий туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалиётда қўлланилди, жумладан:

истеъмолчиларни, молиялаштириш манбалари ва усулларини аниқ белгилаш орқали «социал туризм» тушунчасининг такомиллаштирилган ҳамда «социал туризм хизматлари» тушунчасининг таърифлари 5610200-«Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» таълим йўналиши талабалари учун тавсия этилган «Туризм: назария ва амалиёт» номли дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус

таълим вазирига 2018 йил 5 февралдаги 89-03-584-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида туризмга оид фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишда такомиллаштирилган таърифлардан фойдаланилган;

социал туризм хизматлари истеъмолчиларига имтиёз ва чегирмаларни белгилаш асосида ушбу хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф ҳажмини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилди (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 20 декабрдаги 03-09-4478-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида мамлакатимизда имтиёзли асосда ташкил этилган ички туризмнинг жадал ривожланишига эришилди;

социал туризм турларини тизимлаштириш ва молиялаштиришни белгилашга асосланган социал туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилди (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 20 декабрдаги 03-09-4478-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида мамлакатда болалар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар учун туризмни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш асосида социал туризмнинг ривожланишига эришилди;

болалар ва ёшлар оромгоҳлари, хостеллар, оилавий дам олиш марказлари, санаторийлар фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 20 декабрдаги 03-09-4478-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида ички туризмни молиялаштиришда илмий ишда тавсия этилган механизмдан фойдаланилди;

ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида социал туризм хизматлар сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Туристик хизматларни сертификатлаштириш маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти O'zDSt 3220:2017 «Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар»га киритилди (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 23 февралдаги 02/455-сон маълумотномаси). Берилган илмий тавсияларни амалиётга жорий этиш орқали мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришга, унинг инфратузилмасини такомиллаштиришга, туризм хизматлари сифатини оширишга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар 11 та халқаро ҳамда 23 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 39 та иш, жумладан, 1 та яккамуаллифликдаги ҳамда 2 та ҳаммуаллифликдаги монографияларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, шулардан 11 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда, шунингдек халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, илмий ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бозор муносабатлари шароитида социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда социал туризм ва социал туризм хизматлари таърифи ва таснифи, социал туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизми, бу соҳада мавжуд халқаро тажриба ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Социал туризм хизматлар бозорида талаб ва таклифни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Ишда «социал» ва «ижтимоий» каби атамаларнинг мазмунан фарқи изоҳланиб, «социал туризм» атамасига берилган таърифлар таҳлил қилинди. Жумладан, «ижтимоий» сўзининг луғавий маъноси «инсон ва жамият ҳаётига оид»⁷ деб, «социал» сўзининг луғавий маъноси эса «кишилар ҳаётига, уларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларига оид»⁸ деб изоҳланади, яъни «ижтимоий» сўзи жамиятга хос бўлса, «социал» атамаси алоҳида индивидларнинг жамиятга бўлган алоқасини англатади. Шундан келиб чиқиб, «социал туризм» тушунчасига илмий изоҳ берилар экан, бу

⁷Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. Е-М/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – б.177

⁸Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –б. 556

«ижтимоий туризм» эмаслигини, балки айнан «социал туризм» атамасига мос келувчи туризм тури ҳисобланишини, унинг бошқа турлардан фарқли жиҳатлари очиб берилди. Диссертацияда «социал туризм» тушунчасига изоҳ беришда социал туризм хизматларини кўрсатувчи ҳамда бу соҳада илмий изланишлар олиб борган маҳаллий ва чет эллик олимлар томонидан ишлаб чиқилган таърифлар таҳлил қилинган бўлиб, унга қуйидагича янгича, такомиллаштирилган таъриф берилади: «Социал туризм деб, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилувчи шахслар томонидан истеъмол қилинадиган, бироқ давлат бюджети, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳомийлар, туризмда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган туристик саёҳатларнинг барча турларга айтилади».

“Социал туризм” таърифини «Туризмнинг гуманитар ва ижтимоий ўрни» номли, Манила ҳамда Инсон ҳуқуқларининг Бутунжаҳон декларацияларида, В.В.Бронников, Г.А.Карпова, В.С.Сенин, В.А.Квартальнов, И.В.Зорин, В.Г.Гуляев, Л.В.Сергиенко, В.И.Азар, В.Н.Акишин, М.Б.Биржаков, Д.В.Щусь, К.Г.Яковлевларнинг илмий ишларида, Ўзбекистонда И.Пугач координаторлиги остида ишлаган миллий экспертлар гуруҳи томонидан ишланган «Развитие и повышение конкурентоспособности индустрии туризма Узбекистана» мавзусидаги докладида кўриш мумкин. Таклиф этилган такомиллаштирилган таъриф ҳар бир мавжуд таърифни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида социал туризмнинг истеъмолчиларини (декларациялар, К.Г.Яковлева, М.Б.Биржаковларнинг таърифлари), молиявий таъминот манбаларини (М.Б.Биржаков, Д.В.Щусь), истеъмолчиларнинг мақсадларини (В.А.Квартальнов, Д.В.Щусь) аниқ белгиланганлиги билан фарқ қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўладики, «социал туризм» атамаси қўлланилган илмий ва оммабоп ишларда социал туризм хизматларига деярли эътибор қаратилмаган, яъни таърифи келтирилмаган. Фақатгина М.Б.Биржаковнинг “Туризмга кириш” монографиясида ушбу хизматларнинг ўзига хос томонларига эътибор қаратилган ҳолос. Шунга кўра, «социал туризм хизматлари» атамасига «ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига (болалар, ўсмирлар, ёшлар, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар, кам таъминланган аҳоли гуруҳлари) ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилган шахсларга, социал туризм субъектлари (социал туристик бирлашмалар, болалар ва ўсмирлар туристик ҳамда турли соғломлаштириш-курорт муассасалари, имтиёзли асосда хизмат кўрсатувчи бошқа туристик корхоналар) томонидан, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган, туристларнинг мутаносиб эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар мажмуасидир», деб таъриф берилган.

Социал туризм хизматларини ташкил этишнинг халқаро тажрибаси ўрганилган бўлиб, унинг турли хил мамлакатларда ташкил этилиш

механизми фарқ қилиниб, омиллар, тамойиллар ва мезонларнинг турли комбинацияларини уч гуруҳга бирлаштириш (суғурталаш, жамғариш ва тақсимланиш ёндашувлари) мумкинлигикелтирилади. Тадқиқотда эса Франция ва Швейцарияда оғир меҳнатда банд бўлган, лекин малакаси етарли даражада бўлмаганлиги сабабли паст даромадга эга бўлган, уйдан ташқарида меҳнат таътилини ўтказмайдиган кам таъминланган аҳоли қатлами учун «чек – дам олиш» схемасида социал туризм тизими яратилганлигига алоҳида эътибор қаратилган ва унинг таҳлили келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар доирасида Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ташкил этиш механизми билан хориж тажрибаси қиёсий аспектда таҳлил қилинган. Ўзбекистон амалиётида социал туризм, асосан, иш берувчилар, касаба уюшмаларининг иштирокида намоён бўлади. Касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимлар учун, одатда, санатория-курортларга ва болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратилади. Тадқиқот жараёнида ушбу тизимнинг ўзига хос муаммолари ва заиф томонлари аниқланди: ишчи-ходимларга санатор-курорт йўлланмаларни тақсимлаш тизими молиявий тақчиллик, раҳбар ходимлар томонидан бунга етарлича эътибор қаратилмаслиги, ишчи ходимларнинг етарли ахборотга эга эмаслиги ва шу кабилар.

Социал туризм соҳасининг халқаро тажрибасини ўрганиш натижасида уларнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

- Франция ва Швейцарияда амал қилувчи таътил чеклари тизими барча турдаги социал туризм объектларини (пансионатлар, курорт-меҳмонхоналар, 1-3 юлдузли меҳмонхоналар, хостеллар, оромгоҳлар, транспорт ҳамда овқатланиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар) ўзида мужассам этади, яъни ушбу тизимни назорат қилувчи (таътил чеклари эмиссияси ва тақсимоти билан шуғулланувчи) ташкилотистеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ягона бозорини ташкил этишга хизмат қилади. Яъни таътил чеклари эмиссияси билан шуғулланувчи ташкилот туроператорлик вазифасини бажаради ҳамда туризм соҳасидаги паст мавсумийликни бартараф этади;

- бир турдаги социал туризм хизматларини кўрсатувчи объектлар хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уюшмалар ёки ассоциацияларга бирлашмоқда (Социал туризм бўйича халқаро бюро, Харид қилиш имконияти мавжуд туризм бўйича Европа тармоғи, Социал туризм бўйича халқаро ассоциация, Ёшлар ишлари бўйича Осиё-Европа ҳамкорлиги, Иқтисодий ва тижорат йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг Халқаро ассоциацияси, Хостеллар ассоциациялари федерациясининг Европа уюшмаси, Ёшлар карточкаларининг Европа ассоциацияси, Талабалар туризмнинг халқаро конфедерацияси, Ёшлар маданий алмашинуви халқаро ташкилоти, Ёшлар хостелларининг Халқаро федерацияси, Ёшлар ва талабаларнинг саёҳат қилишига кўмаклашувчи Бутунжаҳон конфедерацияси, Болалар оромгоҳлари халқаро ассоциацияси, Ёшлар ва талабалар туризми ассоциацияси ва бошқалар). Кўрсатиладиган хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ташкил этилган бирлашмалар доирасида фаолият юритиш ва хизматлар сифатини

белгиловчи стандартлар, лицензиялаш тартиби белгилаб олинади. Ташкил этилган бирлашмалар социал туризм хизматлари истеъмолини халқаро туризм даражасида олиб боришга асосий восита ҳисобланади. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи ассоциацияларга аъзо бўлиш учун, субъектлар кўрсатадиган хизматларнинг сифати юқори бўлиши шарт ҳамда ушбу ассоциацияларга аъзолик реклама-тарғибот воситаси сифатида хизмат қилади.

Социал туризмда молиялаштириш 2 ва ундан кўпроқ томонларнинг иштирокида амалга оширилиши талаб этилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, талаб ва таклифни аниқлаш формуласига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш таклиф этилган:

$$Q_d = (P_1 + P_{1+n}) * V * \frac{1}{P_2} \quad \text{ва} \quad Q_s = \frac{1}{(P + P_{1+n_1})} * V * P_2$$

Бу ерда: Q_d – талаб; Q_s – таклиф; P_1 ва P_{1+n} – истеъмолчигитомонидан эмас, балки бошқа манбалардан молиялаштириладиган қисмлари (% ҳисобида); P_2 – истеъмолчи томонидан молиялаштириладиган қисм (% ҳисобида); V – йўлланмалар миқдори (дона ҳисобида).

Социал туризм бозоридаги йўлланмаларга молиявий манбалар улуши ўзгаришини қуйидаги жадвалда ифодалаш мумкин (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Имтиёзли йўлланмаларга талаб ва таклиф миқдорининг молиявий таъминот манбалари улушига қараб ўзгариш динамикаси⁹

Талаб ва таклиф улуши (бошқа манбалардан молиялаштириладиган қисмлари (%)/ истеъмолчи томонидан молиялаштириладиган қисм (%))	10/90	20/80	30/70	40/60	50/50	60/40	70/30	80/20	90/10
Йўлланмаларга талаб (%)	11.1	25	42.9	66.7	100	150	233.3	400	900
Йўлланмаларга таклиф (%)	900	400	233.3	150	100	66.7	42.9	25	11.1

Ушбу жадвалда кўришиб турганидек йўлланмалар қийматида истеъмолчилар улушининг камайиши ушбу йўлланмаларга талабни оширади. Мисол учун, истеъмолчилар улуши 10 фоизни ташкил этган вақтда имтиёзли йўлланмаларга талаб 900 фоизни ташкил этса, ушбу йўлланмалар таклифи 11.1 фоизни ташкил этади. Шунингдек, қўшимча молиявий манбалар улушининг ортиши улар томонидан таклиф қилинадиган йўлланмалар миқдорининг қисқаришига олиб келишини кузатиш мумкин.

Ушбу формуладан кўришиб турганидек, бошқа товарлар ва хизматларга нисбатан талаб ва таклиф қонуни 2 координатали графикда акс эттирилиш мумкин бўлган ҳолда, социал туризм хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф 3 координатали графикда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁹Ушбу жадвал муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилди.


Тадқиқотнинг иккинчи боби «Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантириш тенденциялари ва ташкилий-иқтисодий механизми» деб номланган. Унда Ўзбекистонда социал туризм хизматларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, улар схематик тарзда ифодаланди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ва уларнинг социал туризм хизматларига бўлган талабга таъсири таҳлил қилиниб, болалар, ёшлар ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар учун социал туризм хизматларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди.

Социал туризмнинг моҳияти ва кўрсатиладиган хизматларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмолчилар таркиби, уларнинг саёҳат мақсади, саёҳатнинг молиявий таъминоти, кўлами, муддати, хизмат кўрсатиш тоифаси, ҳаракатланиш тури нуқтаи назаридан бир неча турларга ажратиш мумкин. Аммо социал туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борувчи олимлар унинг таснифига катта аҳамият беришмаган. Социал туризм соҳасида фаол илмий тадқиқотлар олиб борувчи рус олими Д.В.Щусь социал туризмни 7 хил кўринишга ажратиб, уларни реализация қилиш мақсадлари, истеъмолчилари, хизмат кўрсатиш объектлари, молиялаштириш манбалари ва амалга оширишнинг оптимал муддатларини кўрсатиб ўтган ¹⁰. Иқтисодчи И.О.Сердобольская эса социал туризмни мақсадлар, муддат ва худудий омиллар бўйича таснифлаб, социал туризмнинг жойлашув воситалари ва истеъмолчилар таснифини келтириб ўтади ¹¹. Бу иккала таснифлаш социал туризм турларини тўлалигича очиб бермаётганлиги, унинг кўламини анча торайтириб кўрсатаётганлиги сабабли, социал туризм турларининг барча кўринишларини ўзида қамрайдиган таснифлашни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Социал туризм хизматларини кўрсатишдаги ўзига хосликлар, истеъмолчилар ва уларнинг талаблари, молиялаштириш манбалари ва истеъмол қилиш муддатлари ва шароитларидан келиб чиқиб, социал туризм турларини янгича тарзда таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹⁰ Щусь Д.В.. Экономическо-институциональный механизм организации социального туризма. Автореф. . . . кан. экон. наук, Сочи – 2005

¹¹ Сердобольская И.О.. Государственное регулирование социального туризма и пути его совершенствование в Российской Федерации. Автореф. . . . кан. экон. наук, Санкт-Петербург – 2003



1–расм. Социал туризм классификацияси¹²

Туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борувчи олимлар томонидан болалар (Е.В.Оргинанинг “Россия Федерациясида болалар соғломлаштириш туризмини бошқариш тизимини шакллантириш” мавзусидаги диссертациясида¹³, Е.А.Маслакованинг “Хўжалик юртишнинг янги иқтисодий шароитида болалар туризмини ривожлантиришни бошқариш” мавзусидаги диссертациясида¹⁴, А.Н.Косихнинг “Болалар социал туризм тизимининг ривожланиши (Омск вилояти мисолида)” мавзусидаги

¹²Муаллиф ишланмаси – Н.Д.

¹³ Оргина Е.В. “Формирование системы управления детским оздоровительным туризмом в Российской Федерации” Автореферат на соискание учёной степени кандидата экономических наук, Сочи – 2012

¹⁴ Маслакова Е.А. Управление развитием детского туризма в новых экономических условиях хозяйствования. Автореферат на соискание учёной степени кандидата экономических наук, Москва – 2009

диссертациясида¹⁵), ёшлар (Г.В.Палаткина ўзининг “Ёшлар туризми” номли ўқув кўлланмасида¹⁶) ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризмини турли белгиларга кўра таснифланади. Ушбу таснифларни ўрганиш ҳамда уларнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда болалар, ёшлар ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризмнинг янги таснифи таклиф этилди. Ушбу таснифлаш қуйидаги 6 та белги асосида амалга оширилди: молиялаштириш манбасига, ёшига, мақсадига, масканига, ташкил этиш шакли ва кўламига қараб.

Болалар туризмига бағишланган илмий-тадқиқот ишларида болалар оромгоҳларнинг таснифи берилмаган, шу сабабли, фаолиятини ўрганиш натижасида уларнинг янги такомиллашган таснифи таклиф қилинди. Ушбу тасниф қуйидаги белгилар асосида амалга оширилди: қабул қилинувчи болаларнинг фуқаролигига қараб (халқаро ва миллий), болаларнинг ёшига қараб (болалар (7-14 ёш) ва ўсмир-ёшлар (15-20 ёш)), болаларнинг жинсига қараб (аралаш, қиз болалар ва ўғил болалар), оромгоҳларнинг молиявий фаолияти (тижорат ва нотижорат), болаларнинг оромгоҳларда дам олиш муддати (кундузги ва доимий), оромгоҳларнинг фаолият юритиш даврийлигига қараб (мавсумий ва йил давомида фаолият юритадиган), оромгоҳларда дам олувчиларнинг аҳоли қатламларига мансублиги (бой ва таъминланган оила фарзандлари учун, ўртаҳол оилалар фарзандлари учун ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун), оромгоҳларнинг асосий фаолият турига қараб (турли фанлар йўналишлари бўйича, соғломлаштириш, спорт (турлари бўйича), скаутлар (ҳарбий), ўлкашунослик ва диний), мулк шаклларига қараб (давлат, хусусий ва аралаш).

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олган болаларнинг охириги 10 йиллик динамикаси таҳлил қилинганда, уларда дам олувчи болалар сони камайиб бораётганини кўриш мумкин. Агар фаолият шу тарзда давом эттириладиган бўлса ушбу кўрсаткичлар янада пасайиш суръатларига эга бўлиб, оромгоҳларнинг бутунлай ёпилиб кетиш эҳтимолини туғдиради. Оромгоҳларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида болаларнинг оромгоҳларда дам олиш суръатларига (y) таъсир кўрсатувчи омиллар (x) корреляцион-регрессион таҳлил ўтказилди. Омил(x)ларнинг ҳақиқатда дам олган болалар сони (y) билан боғлиқлигини корреляция коэффициенти орқали ифодалаш мумкин (2 - жадвал). Жадвалда келтирилган корреляция коэффициентларидан кўриниб турибдики, оромгоҳларда дам олган болалар умумий сони (y) билан ундаги ўринлар сони (x_1), касаба уюшмаси томонидан оромгоҳларда дам олиши режалаштирилган квоталар (x_2), оромгоҳда ишловчи ходимлар сони (x_3), шу жумладан, педагоглар (x_4) сонларининг боғланиш коэффициентлари юқори. Буларни инобатга олган ҳолда, ушбу омилларнинг 5 тасини (x_1, x_5, x_6, x_7, x_9) танлаб

¹⁵ Косых А.Н. Развитие системы детского социального туризма (на примере Омской области). Автореф. . . . кан. экон. наук, Москва – 2006

¹⁶ Палаткин Г.В. Молодёжный туризм: учебное пособие. – Астрахань: Астраханский государственный университет, издательский дом “Астраханский университет”, 2012. – 206 с. (25 стр.)

олиб, регрессион таҳлил амалга оширилди. Регрессион таҳлил натижасида бир нечта регрессия тенгламалари аниқланди (Гаусс усулида ҳисобланганда).

2 - жадвал

Корреляцион-регрессион таҳлил натижалари

№	Регрессион тенглама	Кўп омилли корреляция коэффициенти	F-Фишер коэффициенти	Қолдиқли дисперсия
1	$Y = -600.56 + 0.85 * x_1 + 0.18 * x_5 + 1.42 * x_6 - 1.33 * x_7 - 0.56 * x_9$	0,919	7,099	122,50
2	$Y = 12.596 * 0.001^{x_1} * 0.002^{x_5} * 2.211^{x_6} * (-0.049)^{x_7} * 0.173^{x_9}$	0.89	6.246	467.64
3	$Y = -84.122 * x_1^{0.322} * x_5^{2.888} * x_6^{3.042} * x_7^{(-1.073)} * x_9^{15.969}$	0.88	5.066	1383.3

Кўп омилли корреляция коэффицентларнинг қийматларидан кўриниб турибдики, ушбу тенгламаларнинг энг мақбули чизикли регрессион тенглама ҳисобланади, чунки бу кўрсаткич 1 га энг яқиндир. Шу билан биргаликда, кўп омилли корреляция коэффицентининг аҳамиятлилик кўрсаткичи ҳам ушбу тенгламада энг юқори бўлиб, қолдиқли дисперсия кўрсаткичи эса энг кичик қийматга эга. Регрессия тенгламасидаги омилларнинг натижавий белгига, яъни (у)га таъсирдан маълум бўладики, бунда кўп омилли корреляция коэффицентининг аҳамиятлилик кўрсаткичи катта ўрин эгаллайди. Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, 2018 йилда Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган 25 та оромгоҳда дам олган болалар ҳажми ва унга таъсир қилувчи омилларни қуйидаги чизикли кўп омилли регрессион тенглама орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ:

$$Y = -600,56 + 0,85 * x_1 + 0,18 * x_5 + 1,42 * x_6$$

Ўтказилган корреляцион-регрессион таҳлилнинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш учун танлаб олинган кўп омилли чизикли тенгламадаги омилларнинг эластиклик коэффицентини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Регрессия тенгламасидаги омилларнинг эластиклик коэффицентлари қуйидаги қийматларни ташкил этди (3 – жадвал):

3- жадвал

Ўтказилган корреляцион-регрессион таҳлилнинг омиллар эластиклик коэффицентлари кўрсаткичлари

№	Омиллар	Эластиклик коэффициенти
1	X_1 (Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мавжуд ўринлар сони)	1,364
2	X_5 (Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бир болага тўғри келадиган бир кунлик овқат пули)	1,656
3	X_6 (Болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги шарт-шароитлар)	0,003
4	X_7 (Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг Самарқанд шаҳри марказидан узоқлиги)	-0,149
5	X_9 (Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олганлар ўртасида ўғил болалар улуши)	-0,117

Социал туризмнинг кенг тарқалган тури – бу ёшлар туризми ҳисобланади. Ёшлар туризми – бу ривожланган ижтимоий жамиятнинг ҳаёт тарзи ҳисобланади. Жаҳон ёшлари орасида 25 ёшгача, оилали, фарзандли бўлгунларича дунёни кезишлари, ҳаёт сабоқларини кўришлари, бошқа мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини ўрганишлари керак деган тушунча мавжуд. Бу уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашлари, ўз шахсий фикрларини шакллантиришларига ёрдам беради. Ёшлар туризмнинг ўзига хос томони шундан иборатки, бошқа туризм турлари каби ёшларга мослаштирилган жойлашув воситаларига, яъни хостелларга эга. Хостель (Hostel) – ётоқхона туридаги ёшларга мўлжалланган арзон меҳмонхона. Хостелга кириш жойида кўк арча ёки «НН» белгисининг борлиги уларни бошқа меҳмонхоналардан ажратиш учун ишлатилади. Юқори категорияси 4 «арча» ҳисобланади. Одатда, коридорли тизимга асосланиб, умумий ҳожатхона, ювиниш хонаси, ошхона ва дам олиш хонаси (телевизор билан) ҳар бир коридорда умумий бўлади. Шунинг учун хостелларда кўрсатиладиган хизматлар арзон ва ёшлар учун қулай ҳисобланади. Халқаро федерация томонидан ёш туристлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларга қуйидаги турдаги карталар берилади¹⁷: ISIC – халқаро талабалар ташкилотининг гувоҳномаси; GO25 – 25 ёшгача бўлган ёшларга бериладиган гувоҳнома; ITIC – кузатувчиларга бериладиган гувоҳнома. Ўзбекистонда ёшлар социал туризм хизматларини ташкил этишда 2017 йилгача «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тасарруфидаги 2 та ёшлар ва болалар ёзги оромгоҳлари орқали амалга ошириб келган: «Камолот Ёшлар Оромгоҳи» ҳамда 2015 йилда таъмирлаш ишлари сабабли ёпилган, ёзги инглиз тилига ихтисослашган «WONDER CAMP» оромгоҳи¹⁸. Аммо Ўзбекистон «Камолот» ЁИХнинг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқига айлантирилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар туризми Иттифок тасарруфидаги Ёшлар туризм агентлиги, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Ёшлар Оромгоҳи»¹⁹ ҳамда Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига тегишли Термиз шаҳридаги “Амударё” болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида ташкил этилган Халқаро ёшлар оромгоҳи²⁰ фаолияти орқали ривожлантирилмоқда.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, социал туризмдан фойдаланувчи субъектларга яна бир демографик қатламни киритиш керак деб ҳисоблаймиз. Бу меҳнатга лаёқатли йўқотганлар, кексалар ва ногиронлардир. Жисмоний имкониятлари чекланган инсонларнинг

¹⁷<http://www.ytc.by/cards/> (мурожаат қилинган сана: 15.02.2008)

¹⁸<https://kamolot.uz/ru/kamolot-yoshlar-orumgohi/> (мурожаат қилинган сана: 10.01.2016); <http://mlk.uz/> сайти маълумотлари (мурожаат қилинган сана: 5.12.2014)

¹⁹<http://yi.uz/page/tizimdagi-tashkilotlar#> (мурожаат қилинган сана: 10.12.2017)

²⁰http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3571261 (мурожаат қилинган сана: 28.02.2018)

туризмни таҳлил қилиш натижаси юзасидан қуйидаги хулосани баён қилиш мумкин: қариялар ва ногиронлар туризми бошқа туризм турларидан фарқли тарзда алоҳида эътибор талаб этиши, тиббий назоратга муҳтожлиги, экстремал вазиятларнинг чекланганлигида намоён бўлади; Ўзбекистонда қариялар ва ногиронлар туризми Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилади. Аммо туристик фирмалар бу фаолият билан етарлича шуғулланмайди.


Ишнинг учинчи боби «**Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш**»га бағишланган бўлиб, жумладан, унда социал туризм хизматлари амал қилишининг ташкилий-иқтисодий механизми ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва таҳлил қилинган. Шу билан бирга, социал туризм хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, социал туризм хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари, усул ва воситалари моҳияти очиб берилди.

Социал туризм хизматларининг юқорида келтириб ўтилган ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳамда тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, унинг ташкилий-иқтисодий механизмини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда “механизм” деганда “иқтисодий жараёнларнинг барча элементлари, усуллари ва тамойиллари йиғиндиси” ёки “қандайдир фаолиятнинг тартибини белгилаб берувчи тизим ёки тузилма” тушунилади. Умуман олганда, социал туризм хизматлари амал қилишининг ташкилий-иқтисодий механизми деганда социал туризмнинг қўйи даражадаги таркибий элементларнинг ташкилий, иқтисодий, баъзан эса технологик жиҳатдан мураккаб ўзаро боғлиқликдаги йиғиндиси тушунилади. Социал туризм хизматларининг юқорида келтириб ўтилган ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ҳамда тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Социал туризм хизматлар бозорининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантирувчи омиллар мажмуасидан ҳамда ҳар бир мамлакатнинг социал туризм хизматлар бозорини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўзига хосликларидан келиб чиқиб, ушбу механизмни иккига – макро- ва микродаражадаги ташкилий-иқтисодий механизмларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Социал туризм хизматлар амал қилишининг макродаражадаги ташкилий-иқтисодий механизми давлат миқёсида амал қилувчи механизмлар мажмуасидан иборат.

Ушбу механизмларнинг бир-бирига боғлиқлигини инобатга олиб, фаолият кўрсатиш доираси, кўлами, мазмун ҳамда моҳиятидан келиб чиқиб, гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Гуруҳлаштиришни фаолият кўрсатишга қилинадиган таъсирига кўра 3 га ажратиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар социал туризм хизматлар бозорининг бошқа турдаги туризм хизматлари бозоридан ўзининг таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам анча фарқ қилишини кўрсатиб берди. Социал туризм хизматлари бозорининг тўртта асосий таркибий қисмлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: *давлат; бююртмачилар* – мамлакатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга

оширишга жавобгар идора ва вазирликлар, касаба уюшмалари, туризмда фаолият кўрсатаётган корхоналар, бошқа турдаги корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари ҳамда жисмоний шахслар; *истеъмолчилар* – болалар, ўсмирлар, ёшлар, жисмоний имкониятлари маълум даражада чекланган инсонлар, кам таъминланган аҳоли қатламлари, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар; *хизмат кўрсатувчилар* – санаторийлар ва курорт масканлари, дам олиш уйлари ва пансионатлар, болалар ва ўсмирлар оромгоҳлари, хостеллар, турли турдаги меҳмонхоналар.




2-расм. Ўзбекистонда социал туризмнинг макродаражадаги ташкилий-иқтисодий механизми²¹

Социал туризм хизматлари амал қилишининг микродаражадаги ташкилий-иқтисодий механизми ушбу туризмнинг асосини ташкил этувчи туризм турларининг фаолият кўрсатиш ўзига хосликларини акс эттирувчи механизмлардан иборатдир. Микродаражадаги механизмни унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини инобатга олиб, умумийликни акс эттирувчи кўринишини қуйидаги расмда ифодалаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бу ерда социал туризм турлари ҳисобланган болалар, ўсмир-

²¹Муаллиф ишланмаси – Н.Д.


ёшлар, жисмоний имконияти маълум даражада чекланган инсонлар ҳамда бошқа социал туризм турлари ҳар бирининг ўзига хос ташкилий-иқтисодий механизмлар таркибининг қисқа кўриниши ифодаланган:



3–расм. Социал туризм хизматлари амал қилишининг микродаражадаги ташкилий-иқтисодий механизми²²

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда социал туризм хизматларини реализация қилиш жараёнида буюртмачилар (давлат, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хайрия жамғармалари ва Касаба уюшмалари федерацияси), истеъмолчилар (болалар, ёшлар, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар) ва хизмат кўрсатувчилар (болалар ва ёшлар оромгоҳлари, санаторий ва дам олиш уйлари) ўртасида турли ҳуқуқий (меъерий ҳужжатлар), бошқарув (бошқарув идоралари), молиявий (турли имтиёз ва чегирмалар тизими), иқтисодий (турли таъминот тизимлари) ҳамда бошқа қўшимча воситалар орқали ўзаро боғлиқлигини таъминлаши аниқланди. Шу сабабли, мамлакатдаги социал туризм фаолиятининг ўзига хос томонларини инобатга олиб, Ўзбекистонда социал туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизмини янги тарзда тасвирлаш лозим топилди.

²²Муаллиф ишланмаси.



